



## ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ГЕЛМИНТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ 2012 - 2022 ЙИЛЛАРГА ҚЎРА РЕТРОСПЕКТИВ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

**Файзибоев Пирмамат Нормаматович**  
Гигиена кафедраси мудири т.ф.д.  
доцент

**Миртозаев Ислон Рўзимурот ўғли**  
**Карабаев Азамат Худойбердиевич**  
Гигиена кафедраси магистрлари  
Самарқанд давлат тиббиёт  
университети

**Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли**  
Алфраганус университети талабаси

**Аннотация:** Паразитарные заболевания встречаются практически во всех странах. Около трети населения Земного шара заражено возбудителями паразитарных заболеваний. В условиях Узбекистана гименолепидозы, связанные с гельминтами, в основном регистрируются по сравнению с остальными районами в горных районах Наманганской, Ферганской, Сырдарьинской и Сурхандарьинской областей. Например, на основании данных Республиканского центра санитарно-эпидемиологической безопасности за 2011 год было установлено, что Наманган -556, Фергана-435,5, Сырдарья-330,3 и Сурхандарья-220,4 имеют данные интенсивные показатели.

**Ключевые слова:** Кишечный гельминтозы, плановые профилактические мероприятия против гельминтов, эпидемиологическая ситуация.

**Abstract:** Parasitic diseases occur in almost all countries. About a third of the world's population is infected with parasitic pathogens. In the conditions of Uzbekistan, hymenolepiasis associated with helminths is mainly recorded in comparison with other areas in the mountainous regions of Namangan, Fergana, Syrdarya and Surkhandarya regions. For example, based on data from the Republican Center for Sanitary and Epidemiological Safety for 2011, it was found that Namangan -556, Fergana -435.5, Syrdarya -330.3 and Surkhandarya -220.4 have these intensive indicators.

**Keywords:** Intestinal helminth infections, planned preventive measures against helminths, epidemiological situation.

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистон шароитида инсон учун характерли бўлган касалликлар орасида гелминтозлар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. ЖССТ берган маълумотларга кўра Африка, Осиё ва Лотин Америкаси Давлатлари ахолисининг 85-90% дан ортиги гелминтозлар билан касалланиш хавфи остида яшаб келмоқдалар.

Расмий маълумотларга кўра, гелминтоз касаллиги билан касалланиш ҳолатлари, болалар ўткир юқумли касалликлар салмоғида паразитозлар ЎРВИ дан сўнг 2-чи ўринни. Яна шуни ҳам такдлаб ўтиш жоизки, Жаҳон банки



томонидан берилган баҳога кўра, ичак гелминтозлари келтирадиган иқтисодий зарар диарея, сил ва юрак қон томир касалликларидан сўнг 4-ўринда эгаллайди. 270 дан ортиқ гелминтозлар одамларда кузатиладиган турли касалликлар сабабчиси ҳисобланади. Ушбу касалликлар билан асосан ёш гўдак болалар касалланадилар.

Кўпчилик ҳудудларда гелминтозларнинг эндемиклиги ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва демографик жараёнлар билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу касалликларга қарши курашиш ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Аҳолининг маданий ва турмуш даражасининг яхшиланганлиги шаҳар ва қишлоқ хўжалиги тадбирларини амалга ошириш маданиятининг ошганлиги ҳамда гелминтозларга қарши режали профилактик чораларни доимий равишда олиб борилиши, республикада ушбу паразитар касалликлар билан касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Шу билан бирга эришилган муваоффақиятларга қарамай, Ўзбекистонда гелминтозларнинг 10-12 тури қайд этилмоқда. Энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, тениаринхоз, трихотсефалиоз каби гелминтозлар баъзи вилоятларда оммавий равишда тарқалган.


Тошкент шаҳарида гелминтозларнинг тарқалишида ижтимоий ва экологик омилларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар кам олиб борилган. Ушбу иш айтиб ўтилган вазифаларни ҳал этишга бағишланган. Бу эса бажарилган илмий ишнинг долзарблиги ва замонавийлигини кўрсатади.

**Мақсад:** Ўзбекистон шароитида гелминтозларни келтириб чиқарувчи омиллар ва ушбу омилларнинг касалланиш кўрсаткичига таъсирини ўрганиш орқали гелминтоз касалликларнинг эпидемиологик таҳлили ва профилактикасини такомиллаштириш

**Тадқиқотнинг материаллари:** Республика ва Самарқанд вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг гелминтозлар билан касалланиши бўйича 2012-2022 йиллардаги расмий ҳисоботлари ва эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув натижаларининг маълумотларидан фойдаланилди.

#### **Тадқиқот натижалари:**

Республикада гелминтозлар бўйича эпидемиологик вазиятни барқарор деб бўлмайди. Расмий ахборотларга қараганда, 2020 йилда республикада 7649651 киши гелминтозларга текширилган бўлиб, шулардан 264807 (3,5%) нафари гелминтозлар билан касалланганлар (1-расм). Шунингдек эхинококкоз касаллиги 5,7% ни (нисбий кўрсаткичларда) ташкил этди.



### 1 расм. Ўзбекистон Республикасида гелминтозлар билан касалланган беморларнинг касаллик турлари бўйича тақсимланиши (2020 йил)

Республиканинг тоғли ва тоғ олди минтақаларида аскаридоз ва трихоцефалёз ўчоқлари учрайди. Хоразм вилояти тениаринхознинг тарихий ўчоғи бўлиб ҳисобланади. Эхинококкоз республиканинг Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида фақат спорадик кўринишда аниқланади. Республикада тениаринхоз хасталигининг кўплаб ўчоқлари мавжуд. Шу билан бирга Ўзбекистонда мулоқот йўли билан тарқаладиган энтеробиоз (212096 нафар) ва гименолепидоз (45944) беморлари кўплаб учрамоқда ва улар республиканинг барча ҳудудларида кенг тарқалган. Гименолепидоз беморларининг аксарияти Наманган (14324 нафар) ва Фарғона (11241 нафар) вилоятларида аниқланган.

Ўзбекистон Республикасида гелминтозлар бўйича нохуш эпидемиологик вазият мавжудлиги 2020 йилда ташқи муҳит манбаларини (тупроқ, очиқ сув ҳавзалари, ичимлик ва оқова сувлар) ҳамда сабзавот ва мевалар синамаларини санитария-гелминтологик текшириш натижалари асосида яна бир бор тасдиқланди (1-жадвал).



**1 жадвал**

**2020 йилда Ўзбекистон Республикасида санитария-гелминтологик  
текширишлар натижалари бўйича  
маълумот**

Вилоятлар	Синамалар сони	Ижобий натижалар	тупроқ		Сабзавотлар ва мевалар		Очиқ сув ҳавзалари		Ичимлик суви (жами)	Оқава сувлари	
			Жами	Ижобий натижалар	Жами	Ижобий натижалар	Жами	Ижобий натижалар		Жами	Ижобий натижалар
Тошкент шаҳри	2248	5 (0,2)	904	0	859	0	485	5 (1,0)	0	48360	168 (0,3)
Андижон	3627	9 (0,2)	1292	9 (0,6)	1282	0	1053	0	0	9453	91 (0,9)
Бухоро	681	7 (1,0)	435	7 (1,6)	0	0	246	0	0	0	0
Жиззах	4476	79 (1,7)	1408	42 (2,9)	2006	37 (1,8)	1062	0	0	0	0
Қашқадарё	4519	59 (1,3)	1768	13 (0,7)	1888	42 (2,2)	863	4 (0,4)	0	9838	32 (0,8)
Навий	878	0	248	0	388	0	242	0	0	2195	19 (0,8)
Наманган	2433	29 (1,1)	692	16 (2,3)	894	13 (1,4)	847	0	0	13025	282 (2,1)
Самарқанд	1256	20 (1,5)	557	0	670	20 (2,9)	29	0	78	0	0
Сурхандарё	1562	19 (1,2)	530	12 (2,2)	653	6 (0,9)	379	1 (0,2)	0	1889	15 (0,7)
Сирдарё	1542	52 (3,3)	699	24 (3,4)	778	28 (3,5)	65	0	0	0	0
Тошкент	2815	100 (3,5)	1111	53 (4,7)	1312	34 (2,5)	392	13 (3,3)	0	13486	356 (2,6)
Фарғона	248	11 (4,4)	181	10 (5,5)	51	1 (1,9)	16	0	0	7487	188 (2,5)
Хоразим	1257	6 (0,4)	317	4 (1,2)	699	2 (0,2)	241	0	0	7528	56 (0,7)
Қорақолпоғистон республикаси	1617	9 (0,5)	1521	0	0	0	96	9 (0,3)	199	8571	187 (2,1)
Жами	29159	405 (1,3)	11663	190 (1,6)	11480	183 (1,5)	6016	32 (0,5)	277	121832	1394 (1,1)

**Изоҳ: ичимлик суви бўйича ҳамма синамаларнинг натижалари манфий**

Бу ўринда энг юқори кўрсаткичлар Сирдарё (3,3%), Тошкент (3,5%) ва Фарғона (4,4%) вилоятларида қайд этилган. Тошкент шаҳрида эса ушбу кўрсаткич 0,2% ни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтиш жойиз. Ушбу вилоятлар бўйича тупроқ ва сабзавотлар ҳамда меваларни текшириш бўйича ижобий натижалар ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланган. Айни пайтда очиқ сув ҳавзалардан олинган синамалар бўйича ижобий натижалар Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида аниқланди (республика бўйича ушбу кўрсаткичлар 0,5% ни ташкил этади). Оқава сувлар бўйича эса энг юқори кўрсаткичлар Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятларида ва Қорақолпоғистон Республикасида аниқланди.

Тошкент шаҳрида 2016-2022 йиллар мобайнида ҳар йили гелминтозларга 594350 (2016 й) гача аҳоли текширилган. Аҳолининг гелминтозлар билан зарарланиш кўрсаткичи ушбу давр ичида 1,6% дан 1,8% гачани ташкил этган.



Таҳлил этилган давр ичида асосан мулоқат йўли билан юктирилган гелминтозлар-энтеробиозлар ташҳис қилинган.

Хулоса: Таҳлил этилган давр ичида республика миқёсида гелминтозларга текширишларнинг умумий сони 29159 тани ташкил этиб, улардан 405 (1,3%) таси ижобий натижа берган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдиев Т.А., Эгамбердиев О.А, Ибадова Д.Н.и др Гелминтозы в Узбекистане // Оьзбекистон Республикасида гигиена, токсикология, эпидемиология ва юкумли касалликларнинг долзарб муаммолари.- Ташкент, 2005. – 148 s.
2. Абдиев Ф.Т. Паразитарные болезни в Узбекистане и организатсия борбы s ними// Инфекция иммунитет и фармакология.-2005.-№3.-S. 77-78.
3. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузаил Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзибоев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 71–76.
4. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
5. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
6. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОТЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.
7. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
8. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
9. Файзибоев П. Н. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРИН //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
10. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
11. Файзибоев П. Н. ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 290-295.
12. Файзибоев П. Н. и др. ЗНАЧЕНИЕ КОНДИТЕРСКОЙ ПРОДУКЦИИ В ПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 282-289.



13. Файзибоев П. Н., Ахророва М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG 'LOM BOLALARNING OVQATLANISHINI VAHOLASH //ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ.– 2023–Т. 4. – №.1.
14. Normamatovich F. P. PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY" NOVVOT" //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 794-798.
15. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, & Ochilov Sardor Abduganievich. (2023). METHOD OF PREPARING NOVVOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 1(6), 160–164. Retrieved from <https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/article/view/830>
16. Fayziboev Pirmamat Normamatovich. (2023). PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY "NOVVOT". Academia Science Repository, 4(04), 794–798. Retrieved from <https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/131>
17. Soatov , M. M. o'g'li, & Elmurodova , L. X. qizi. (2023). SUVNI KOAGULYATSIYA QILISHNING GIGIYENIK AHAMIYATI. GOLDEN BRAIN, 1(30), 67–71. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/goldenbrain/article/view/5194>
18. Soatov , M. M. o'g'li. (2023). BOLALAR VA O'SMIRLARDA TEMIR TANQISLIGI ANEMIYASI. GOLDEN BRAIN, 1(10), 139–145. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/goldenbrain/article/view/3019>
19. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Ibragimova Fairuza Sobirovna, Makhmaraimov Fuzail Ilkhomovich, Abdurakhmonova Shakhnoza Sokievich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). HYGIENIC ASSESSMENT OF CRITERIA FOR SAFETY AND NUTRITIONAL VALUE OF FRUITS AND VEGETABLES. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 77–81.
20. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Fakhritdinov Shokhrukh Fakhritdinovitch, Roziklov Dilshod Allayorovich, Obloberdiev Okhunjon Otkirovich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). ESTIMATES OF CONSUMPTION OF CONFECTIONERY PRODUCTS IN THE AVERAGE DAILY DIETS OF THE POPULATION IN THE SUMMERAUTUMN SEASON. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 142–149.
21. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Нарзуллаева ГулмираТоштемир кизи, Фахритдинов Шохрух Фахритдин ўғли, & Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли. (2024). САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ ВА ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТЛИЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 136–141.
22. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузайл Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзибоев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 71–76.
23. Виммерсбергер Д, Соулибалй ЖТ, Счулз ЖД, ет ал. Еффисасй анд Сафетй оф Иверместин Агаинст Тричурис тричура ин Пресчоол-агед анд Счоол-агед Чилдрен: А Рандомизед Сонтроллед Досе-финдинг Триал. Слин Инфест Дис 2018; 67:1247.